27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 26 июнь • № 25 (1046)

## СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

**Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик жамият қуриш, ижтимоий-сиёсий жараёнларни ёритиш ва ислоҳотларни амалиётда кенг татбиқ этиш борасида олиб борилаётган ахборот сиёсати тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади. Айниқса, мамлакат қонунчилик тизимида ахборот соҳасидаги эркинлик ва ошкораликни таъминлаш, юртимиз ва халқаро ҳаётдаги воқеликларни жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва фаоллигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.**

Демак, мамлакат тараққиёти ва ижтимоий ҳаёт воқеликларини оммага тезкор етказишда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бор. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги қонунчилик тизимимизда ахборот соҳаси эркинлигини таъминлаш ва ундаги ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш борасида қандай амалий ишлар бажарилмоқда? Оммавий ахборот воситаларининг сиёсий жараёнлардаги фаол ривожланиши жамиятимизда ошкоралик, очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда таъсирчан тизимга айланиб бормоқда. Дарҳақиқат, демократик тамойилларга таянган оммавий ахборот воситалари фаолияти фуқаролар сиёсий фаоллигини кучайтириш, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш учун бевосита асос ҳамда демократик ислоҳотларни ҳаракатлантирувчи кучдир, дейиш мумкин. Шу боис, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ахборот соҳасидаги ислоҳотлар тадрижий ва тизимли равишда олиб борилмоқда. Натижада, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни демократик ислоҳотларни ҳаракатлантирувчи кучга айлантириш бўйича ўзига хос тажриба тўпланди. Соҳада амалга оширилган ислоҳотлар самараси туфайли, юртимизда босма ва электрон оммавий ахборот воситалари сони ўн маротаба кўпайиб, нодавлат сектор тармоғидаги субъектлар сони ҳам анчага ошди. Эфир маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларига замонавий ахборот технологиялари фаол жорий этилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ҳам муҳим йўналишлардан бири сифатида ахборот соҳасида давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат, сўз эркинлиги ва фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқини изчил амалга оширишни таъминлаш масалалари кун тартибига қўйилди. Бугунги кунда мазкур йўналишда ўндан ортиқ қонунлар қабул қилиниб, соҳадаги қатор тармоқлар негизида журналистларнинг профессионал фаолияти учун зарур шароитлар яратиб келинмоқда. Хусусан, «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Реклама тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги бир қатор қонунларда ахборот ва сўз эркинлиги ҳамда ҳимоя қилиш олий даражадаги тартиб сифатида белгилаб қўйилди. Юртимизда ОАВ эркинлиги даражасининг муҳим кўрсаткичларидан бири – бу ахборот соҳасининг изчил ва эркин тараққиёти ҳамда ҳар кимнинг монеликсиз ахборот олиш ҳамда ундан фойдаланиши учун зарур шароитларни таъминловчи такомиллашган ҳуқуқий базанинг мавжудлигидир. Жумладан, Бош қомусимизнинг 29, 30, 67-моддаларида ҳам ОАВ эркинлиги, аҳолининг ўз фикр ва мулоҳазаларини эркин ифодалаш ҳуқуқи, ҳар қандай кўринишдаги цензуранинг тақиқланганлиги қатъий белгилаб қўйилган. Бугунги замонавий воқелик ва ислоҳотлар даврида ахборот соҳасини либераллаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, жамият ҳаётида ОАВ ролини кучайтиришда самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш зарурлиги талаб этилмоқда. Шу боис, ҳар бир оммавий ахборот воситаси олдида ахборот бозорида ўз ўрнини топиш, тараққиёт йўлини белгилаш, фуқаролик ин-

(Давоми 2-бетда).

*Пресс-конференция*




## КАДРОВЫЙ ПОТЕНЦИАЛ-ЗАЛОГ РЕЗУЛЬТАТИВНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**За годы независимости нашей страны, как и во всех отраслях, так и в системе здравоохранения произошли масштабные изменения. Качество медицинской помощи оказываемой населению поднялось на высокий уровень, отвечающий мировым стандартам. Благодаря постоянной поддержке государства была проведена огромная работа по строительству и реконструкции медицинских учреждений, оснащению их современной медицинской аппаратурой. Как нам известно, в оказании качественной медицинской помощи большую роль играет профессионализм медицинских работников, их глубокие знания и ответственный подход к делу.**

И поэтому подготовка высококвалифицированных медицинских кадров является главной целью всей системы здравоохранения.

25-го июня этого года в национальном пресс-центре Узбекистана прошла конференция организованная Министерством здравоохранения Республики Узбекистан на тему: «Подготовка медицинских кадров на основе Национальной программы по подготовке кадров, повышение квалификации и специализации медицинских работников. Результаты и перспективы». Как известно, в республике Узбекистан в соответствии с Законом "Об образовании" и Национальной программе по подготовке кадров, принятых в 1997 году была проведена большая работа по подготовке кадров по всем отраслям и медицине в том числе. Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан № 2107 от 1998 года, определившего этапы Государственной программы реформирования системы здравоохранения, высшее медицинское образование страны переведено на международный стандарт двухступенчатого высшего медицинского образования. Первая ступень образования: бакалавриат – это подготовка врачей общей практики, ведущих свою деятельность в сельских врачебных пунктах и в семейных поликлиниках. А вторая ступень обучения – магистратура, предусматривающая подготовку специалистов по 46-ти узким специальностям, которые в дальнейшем будут вести свою деятельность в медицинских образовательных и научных учреждениях, а также, в специализированных звеньях системы здравоохранения страны. На сегодняшний день в 14-ти высших учебных заведениях Республики Узбекистан обучаются медицинские кадры. Важным событием в системе подготовки медицинских кадров стало постановление Президента Республики Узбекистан от 22 июля 2014 года "Об образовании Ташкентского Государственного стоматологического института". На базе стоматологического факультета Ташкентской медицинской академии образован Ташкентский Государственный стоматологический институт и его филиалы.

Следует отметить, что в работе подготовки медицинских кадров важным процессом является повышение уровня знаний профессорско-педагогического

(Окончание на 2-стр.)

*Обуна – 2015*

**Ҳурматли муштарийлар!**

**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2015 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна мавсуми давом этмоқда.**

**Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!**

**Нашр индекси: 128.**

# СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

ститутлари тизимида ўз мавқеини мустаҳкамлаш каби долзарб масалаларни ҳал этишдек асосий вазифалар турибди. Айниқса, сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага бозор механизмларини жорий этиш ва ахборот маконида эркин ахборот майдонини ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилаётганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида жамиятга холис, тезкор, шаффоф ахборотларни етказишга асосан, иқтисодиёти эркин бўлган оммавий ахборот воситасигина эриша олади. Яратилаётган бундай шароит ва имкониятлар ўз ўрнида жамият ҳаётида янги турдаги оммавий ахборот воситаларининг пайдо бўлиши ва ахборот маконини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда нодавлат оммавий ахборот воситалари жадал суръатларда ривожланаётгани муҳим аҳамиятга эга. Буни айниқса, ахборот тарқатишнинг замонавий кўринишларидан бири – веб-сайтларнинг оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатдан ўтказилаётганлигида кўриш мумкин. Бугунга келиб мамлакатимизда 300дан ортиқ веб-сайт расмий интернет нашри сифатида рўйхатдан ўтказилган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Агар юртимизда 1995 йили «uz» домени рўйхатга олинганини ҳисобга оладиган бўлсак, унда жойлаштирилаётган веб-сайтлар сони йил сайин жадал суръатларда ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, 2010 йилнинг бошида мамлакатимиз интернет маконида 10 мингдан ортиқ веб-сайт рўйхатга олинган бўлса, ҳозир уларнинг сони 20 мингдан ортиб кетди. Ва бу кўрсаткич кун сайин ортиб бормоқда. Бу каби ўзгаришлар ўз ўрнида жаҳон стандарт ва талабларига ҳамоҳанглikда мамлакатимиз миллий журналистикасида янги - "фуқаролик журналистикаси"нинг шаклланишига ҳам замин яратмоқда.**

Юртимиздаги ОАВнинг ахборот ва коммуникация технологиялари билан таъминланиб бориши натижасида сўнгги йилларда рақамли телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио каби алоқа воситалари ривожланди ва бу тезкор ахборот воситаси бўлган интернет-журналистикасининг жадал суръатларда ривожланиб боришига хизмат қилмоқда. Бу эса ўз ўрнида миллий журналистиканинг жаҳон медиа майдонидаги аҳамиятини оширмоқда.

Юртбошимиз мана шундай юксак марраларни забт этишда ўзининг бор куч-ғайратини сарфлаётган журналистларга "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни" муносабати билан йўллаган табрикларида улар меҳнатини баланд тоғ чўққисига чиқишдек машаққат билан қиёслаган эдилар. Бу ўзини матбуот, оммавий ахборот воситаси ходими, дея ҳисоблаган барча кишиларнинг меҳнатига берилган юксак баҳодир. Адолатли қонунлар билан ҳимоя қилинган мамлакатимизда эса бундай баҳо эгалари доимо қадрланади.



**Намоз ТОЛИПОВ.**

# КАДРОВЫЙ ПОТЕНЦИАЛ- ЗАЛОГ РЕЗУЛЬТАТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

(Окончание. Начало на 1-й стр.)



состава. Ведь в лице педагогов мы можем видеть завтрашний уровень знаний медицинских работников. В целях обеспечения непрерывности образования медицинские работники проходят повышение квалификации. Особую значимость в этом деле имеет внедрение в учебный процесс современных компьютерных технологий и повышение уровня знаний иностранных языков среди педагогов. Медицина на сегодняшний день развивается стремительными темпами, в практику внедряются новые методы профилактики и лечения. В свою очередь, педагоги, идя в ногу со временем должны быть в центре всех новинок мировой медицины и в работе со студентами они обязаны делится этой информацией.

Отрадно отметить, что наша школа медицины и специалисты подготовленные здесь отличаются своими обширными знаниями, и на сегодняшний день отечественными специалистами разрабатываются новые методы, которые в последующем внедряются в практику.

В 78 медицинских колледжах страны обучаются средние медицинские работники по нескольким направлениям. Хотелось бы особо отметить и тот радостный факт, что благодаря обеспечению всеми необходимыми условиями для получения знаний, учащиеся академических лицеев при высших учебных заведениях были награждены медалями на международных олимпиадах. В ходе данной конференции журналистами было задано много интересующих вопросов, на которые они получили полноценные ответы.

Несомненно, мы живем в стране, которая стала колыбелью великих ученых и мыслителей. Своими научными успехами и знаниями мы обязаны держать эту высокую планку. Ведь для этого созданы все необходимые условия.

**Ирода ИЛЬХАМОВА.**
**Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.**

*Анжуман*

# ТИББИЁТ ТАЪЛИМИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА

***Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Андижон давлат тиббиёт институти ҳамкорлигида мазкур таълим даргоҳининг 60 йиллигига бағишлаб "Профилактик тиббиёт: кеча, бугун ва эртага" мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилган эди. Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худаяров иштирок этиб, институтнинг 60 йиллик фаолиятига алоҳида тўхталди. Мазкур олий даргоҳнинг ўтган давр ичида эришилган ютуқлари, илм-фан ривожи йўлига қўшган ҳиссасини юксак баҳолаб, бу борада институт жамоаси меҳнатларини эътироф этиб, бир гуруҳ ходимларга "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишонини топширди.***



Таъкидлаш жоизки, қисқа вақт ичида ушбу таълим даргоҳида кенг миқёсли ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Бинонинг ташқи кўриниши тубдан ўзгарди, замонавийлик касб этди. Дарс хоналари, машғулот ўташ масканлари энг сўнгги ахборот технологиялари билан жиҳозланди. Ахборот-ресурс маркази юқори тезликдаги интернет тармоғига уланган бўлиб, ундан бугунги ёш авлод янгидан-янги билимларни эгаллашда, электрон кутубхона имкониятларидан фойдаланиб соҳа тараққиётини юксалтиришга интилмоқда. Тадбир институтнинг 60 йиллигига уйғун равишда уланиб кетди. Унда ички касалликларнинг олдини олишда янги прогрессив технологиялар, гастроэнтерология ва гепатологиянинг замонавий муваффақиятлари, пульмонологияда замонавий профилактика ва даволаш, гематологик касалликларнинг замонавий профилактикаси, диагностикаси ва даволаш ишлари, кардиоваскуляр ва ноинфекцион касалликлар эпидемиологияси, бирламчи ва иккиламчи юрак-қон томир етишмовчилиги асоратларининг медикаментоз профилактикаси, фармакоэпидемиологияси ва фармакоиқтисодиёти, ҳомиладор аёлларда замонавий скрининг диагностикаси ва касалликларнинг даволашда янги технологияларни татбиқ этилиши, болалар ва ўсмирлар касалликларининг эрта диагностикаси, оилада ўткир ва сурункали касалликларнинг профилактикасига замонавий қарашлар, шошилинч ва режали жарроҳликда асоратларни прогнозлаш, замонавий янги технологиялар билан даволаш, ОИВ/ОИТС ва инфекцион касалликлар профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий аспектлари каби мавзуларда маърузалар тингланиб, ўзаро фикр алмашилди.

Анжуманда иштирокчилар олий таълим даргоҳида олиб борилаётган ўқитиш тизими, талабаларнинг илмий салоҳияти



ва уларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар билан яқиндан танишдилар. Хорижлик эксперт ва олимлар мазкур йўналишда амалга ошираётган тажрибалари ҳақида сўзлаб, мамлакатимиз тиббиётининг ривожи ва эришилаётган ютуқларига юқори баҳо бердилар. Институт жамоасининг таълим ислоҳотлари йўлида амалга оширган ишларидан ўрнак олиш мумкинлигини алоҳида эътироф этдилар.

Шунингдек, тадбир доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, тиббиёт ва фармацевтика компанияларининг дори-дармонлари, сурункали ноинфекцион ҳамда юрак қон-томир касалликларини даволашда қўлланиладиган жиҳоз ва воситалар ҳамда илғор технологиялар кўргазмаси ташкил этилди.

**Намоз ТОЛИПОВ.**

## 26 июня — Международный день борьбы с наркоманией

# ПРОТИВОДЕЙСТВИЕ ЗЛОУПОТРЕБЛЕНИЮ НАРКОТИКАМИ

**Профилактическая антинаркотическая работа в Республике Узбекистан носит системный характер. Так, программой комплексных мер по противодействию злоупотреблению наркотиками и их незаконному обороту на 2011-2015 годы предусмотрены совершенствование антинаркотической пропаганды, профилактика распространения наркомании и связанных с ней правонарушений, модернизация и развитие системы оказания наркологической помощи, в том числе реабилитация больных наркоманией. Большое внимание уделено активизации работы средств массовой информации по пропаганде здорового образа жизни, формированию негативного отношения у населения к употреблению наркотиков, разъяснению административных и уголовных мер ответственности за их незаконный оборот. На постоянной основе организована работа по совершенствованию подготовки кадров для системы образования, посредством проведения специальных учебных циклов по антинаркотической профилактике.**

Особое внимание уделяется профилактической работе с "группой риска", с акцентом на молодёжь. В учебных заведениях ведётся мониторинг за данной категорией лиц, с которыми проводятся разъяснительные беседы на тему ведения здорового образа жизни, организуется их досуг путем привлечения в различные спортивные секции и предметные кружки по интересам, при необходимости, за детьми закрепляются педагоги-наставники. Учитывая, что профилактическая работа, требует комплексного подхода, в реализации мероприятий задействованы не только министерства, ведомства, но и общественные организации, такие как ОДМ "Камолот", Благотворительный фонд "Махалля", Комитет женщин Узбекистана и другие.

Все принимаемые в республике профилактические усилия в конечном итоге направлены на снижение спроса на наркотики и другие психоактивные вещества, уменьшение числа лиц входящих в группу повышенного риска, снижение заболеваемости наркоманией.

Подтверждением эффективности принимаемых профилактических мер могут служить следующие показатели наркологической ситуации. За период 2010-2014 годы показатель первичной заболеваемости наркоманией сократился с 7,6 до 3,8 на 100 тыс. населения. Количество наркозависимых, состоящих на диспансерном учёте в органах здравоохранения снизилось с 18939 до 14692. Удельный вес больных молодого возраста в группе 20-39 лет уменьшился с 69% до 48%. Вместе с тем, не стоит останавливаться на достигнутых результатах, необходимо продолжить профилактическую работу исходя из новых угроз и реалий складывающейся наркоситуации. Несомненно, вопросы незаконного оборота наркотиков и предупреждения распространения наркомании имеют международный характер.

В рамках выполнения Узбекистаном международных обязательств в сфере контроля за наркотиками, осуществляется двухстороннее сотрудничество со странами Центральной Азии, Россией, Китаем, США, Ираном, Турцией, Италией, Польшей, Тайландом, а также многостороннее взаимодействие с СНГ, ШОС и Центральноазиатским региональным информационным координационным центром по борьбе с незаконным оборотом наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров (ЦАРИКЦ). В республике реализуются 8 международных проектов совместно с Управлением ООН по наркотикам и преступности и ОБСЕ. Сотрудничество осуществляется в области укрепления материально-технической базы оперативных и экспертно-криминалистических подразделений правоохранительных органов, наркологической службы, а также их кадрового потенциала, исходя из национальных интересов Республики Узбекистан.

С момента обретения независимости Узбекистан прилагает большие усилия и делает конкретные шаги в борьбе с наркобизнесом. Антинаркотическая политика республики направлена на улучшение технического, аналитического и кадрового потенциала правоохранительных органов в сфере борьбы с контрабандой наркотиков и организованной преступностью. Правоохранительными органами на системной основе осуществляются целенаправленные мероприятия по выявлению каналов наркотрафика, предупреждению и пресечению незаконного оборота наркотиков. Проводятся комплексные операции с подключением сил и возможностей заинтересованных организаций, министерств и ведомств, представителей местной власти и общественности. В целях повышения эффективности выявления транзита наркотиков через государственную границу, современными средствами технического контроля оснащен ряд контрольно-пропускных пунктов в Республике Каракалпакстан, Ташкентской, Бухарской и Сурхандарьинской областях. Таким образом, в результате проделанной работы по повышению технических возможностей приграничных КПП, в последние годы наблюдается тенденция снижения потока наркотических средств следующих транзитом через Республику Узбекистан. Организаторы незаконного провоза наркотиков осознавая технические возможности Узбекистана, предпочитают либо избегать пересечение границы республики, либо ищут более легкие альтернативные пути. В целях выявления и пресечения фактов незаконного культивирования наркосодержащих растений, предупреждения правонарушений связанных с незаконным оборотом наркотиков, а также перекрытия каналов поступления наркотиков в республику из соседних государств, правоохранительными органами с привлечением сил и средств других заинтересованных ведомств и общественных организаций **ежегодно проводится двухэтапная комплексная широкомасштабная операция "Чёрный мак"**. За последние 10 лет (с 2005 по 2014 годы) усилиями правоохранительных органов выявлено свыше 85 тысяч фактов наркопреступлений, а из незаконного оборота изъято около 30 тонн наркотических средств. Антинаркотическая стратегия, как часть общегосударственной политики по снижению уровня преступности будет продолжаться и совершенствоваться. **26 июня в Республике Узбекистан, как и во всём мире, отмечается Международный день борьбы с наркоманией**.

В течение данного месяца осуществляются мероприятия предусмотренные планом месячника борьбы с наркоманией. Повсеместно проводятся спортивные соревнования среди молодёжи, концерты под девизами приверженности здоровому образу жизни, театрализованные представления и демонстрация фильмов затрагивающих проблему наркотиков, а также информационные мероприятия среди населения с участием представителей органов здравоохранения и правопорядка. Все события широко освещаются в средствах массовой информации.

**Андрей МОКИЙ.**
**Ведущий эксперт Национального центра по контролю за наркотиками при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

*Наша среда*

# МАТЕМАТИЧЕСКАЯ ФОРМУЛА ЗДОРОВЬЯ

***То, какой будет наша жизнь, в большинстве случаев зависит от нас самих. И речь здесь не только о выборе профессии, супруга, места работы. Немаловажными факторами, приближающими нас к счастью, являются отказ от вредных привычек, правильное питание, физическая активность. Соблюдение этих простых правил позволяет сохранять наше главное богатство – здоровье. Донести необходимость их выполнения до населения – одна из главных задач, которая стоит перед Республиканским институтом здоровья и медицинской статистики. С его директором Зулхумор Муталовой, а также сотрудниками мы встретились в рамках Международного дня борьбы с наркоманией.***

– В 2005 году институт здоровья был объединен с институтом медицинской статистики. И это было очень верным решением нашего правительства, – говорит Зулхумор Муталова. – В настоящее время подобные учреждения существуют во многих странах мира.

Сегодня в структуру нашего института входят 14 областных филиалов, а также 157 подчиняющихся нам районных центров здоровья и 157 организационных отделов при районных территориальных медицинских объединениях. Кроме того, создана комиссия из числа сотрудников нашего головного офиса в Ташкенте. Они проверяют на местах достоверность и точность предоставляемой статистической информации.

Статистические данные, получаемые нами со всех подразделений института, позволяют не только контролировать деятельность медицинских учреждений страны, но и воссоздать полную картину по распространенности тех или иных заболеваний в Узбекистане и принять соответствующие меры по борьбе с ними и предупреждению их дальнейшего развития.

Так, к примеру, в Ферганской долине больше распространены гельминтные заболевания и инфекционные заболевания, связанные с ЖКТ, в приграничных областях угрозу представляет наркотрафик, если говорить о Ташкенте, то для его жителей характерны проблемы со здоровьем, возникающие на почве психологических конфликтов, психиатрические проблемы из-за значительного количества стрессовых ситуаций.

Еще одним важным направлением в деятельности института, по словам Зулхумор Джалаловны, является непосредственная работа с населением, подъем медицинской культуры. Как и в аналогичных учреждениях за рубежом, медсестры здесь осуществляют уход за больными и прививают им навыки гигиены, а врачи в большей степени ведут профилактическую и разъяснительную работу среди всех категорий населения.



Много информационных материалов посвящено значению профосмотра, предупреждению развития онкологических заболеваний, необходимости прохождения медицинского осмотра до вступления в брак, профилактике вредных привычек и многим другим темам. Еще одним новшеством в работе института станет проект, выигранный в рамках гранта Академии наук Республики Узбекистан, направленный на подготовку общественных тренеров из числа сотрудников Комитета женщин Республики Узбекистан, Благотворительного фонда "Махалля" и других организаций по работе с населением по различным вопросам здоровья.

В институте здоровья и медицинской статистики существует несколько отделов, которые ведут работу по различным направлениям. Среди них, к примеру, отдел социологического мониторинга, отдел медицинской статистики, организационно-методический отдел и другие.

Примечательно, что большое место в работе института с населением отведено не только пропаганде здорового образа жизни, но и активной борьбе с табакокурением, алкоголизмом и наркоманией. Эта работа ведется на протяжении всего года. Однако, наибольшее количество мероприятий организуется именно в рамках Международного дня борьбы с табакокурением, наркоманией. Так, театрализованные представления по данной тематике пройдут в детских оздоровительных лагерях Ташкентской области, по всей республике будут распространены плакаты и другие информационные материалы. В преддверии Международного дня борьбы с наркоманией также организован марафон среди студентов вузов в форме вопросов и ответов по наркомании, в котором приняли участие врачи института здоровья.

Кроме того, по словам Зулхумор Муталовой, 1 июня этого года институтом здоровья и Республиканским наркологическим центром был разработан приказ и план мероприятий, направленный на противодействие этому злу. Составлен план лекций, целевой аудиторией которых станут подростки, их родители, а также преподаватели общеобразовательных школ, педагоги средних и высших учебных заведений.

– Подобные встречи, надо сказать, мы организуем регулярно, - поделился с нами врач-методист, сотрудник отдела формирования здорового

**(Окончание на 4-стр.)**

*Наша среда*

# МАТЕМАТИЧЕСКАЯ ФОРМУЛА ЗДОРОВЬЯ

образа жиз**ни и его пропаганды Малик Утешев.** – *Если раньше в аналогичных беседах с подростками медицинские работники делали акцент на запугивание против наркотиков, то теперь ориентация идет на разъяснительную работу. Формируем у подростков критическую оценку в отношении наркомании, отвечаем на интересующие их вопросы. Кроме того, работаем и с родителями и с педагогами в этом направлении.*

**(Окончание. Начало на 3-й стр.)**

Важна роль в деле борьбы с наркоманией, табакокурением и алкоголизмом и СМИ, являющихся живым мостом между институтом здоровья и населением.

Как рассказала нам заведующая отделом по связям со СМИ Республиканского института здоровья и медицинской статистики Мохира Камбарова, очень важно давать в публикацию и эфир материалы, которые бы способствовали формированию здорового образа жизни среди населения, предупреждали бы возникновение эпидемических ситуаций в стране и помогали бы в деле борьбы с вредными привычками. В этих вопросах велика роль не только журналистов, но и узких специалистов, для которых СМИ являются своеобразным рупором, через который они обращаются к населению республики.

Только так, объединяя усилия, можно достичь весомых результатов в деле борьбы с вредными привычками и акцентировать внимание людей на необходимости ведения здорового образа жизни.

**Оксана КАДЫШЕВА.**
**Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.**



# ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРНИ ТАТИБ КЎРМАНГ

## акс ҳолда у сизни ўз гирдобига тортиб кетиши мумкин

**Бугунги кунда дунё бўйича глобал муаммога айланиб келаётган гиёҳвандликнинг қанчадан-қанча ёшларни ўз гирдобига олаётганлиги, бунинг натижасида кўплаб оилаларнинг азият чекаётганлиги ҳар биримизни ташвишга солиб келмоқда. Шундай экан, ушбу касалликнинг олдини олиш борасида мамлакатимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилиб, гиёҳвандликка қарши кураш кенг жамоатчиликнинг диққат эътиборидаги масалага айланди.**

Ҳар йили 26 июнда Бутунжаҳон гиёҳвандликка қарши кураш куни ўтказиб келинади. Фақат бу санада эмас, балки йил давомида касалликка қарши профилактик тадбирлар мунтазам тарзда ташкил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу борадаги ишларни аниқ тизимда ташкил этиб, республика Наркология маркази, вилоят, шаҳар ва туман диспансерлари ҳамда шифохоналарида гиёҳвандликка чалинган беморларни даволаш ва соғломлаштириш жараёнини қатъий назорат қилиб бормоқда. **Мазкур касаллик билан кураш олиб бориш жараёнини билиш мақсадида Республика наркология марказининг ташкилий-услубий бўлимининг бошлиғи Жўрабек Тоиров билан суҳбатда бўлдик.**

– Марказимиз 2003 йили ташкил этилган бўлиб, унда қабул, реанимация, физиотерапия, биринчи ва иккинчи наркология ҳамда тиббий-ижтимоий соғломлаштириш бўлимлари мавжуд. Марказимиз етакчи шифо маскани ҳисобланиб, вилоятлардаги филиалларимиз шифокорларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиб келади. Шу жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан, мазкур тиббиёт муассасаларида марказимизнинг тажрибали мутахассислари томонидан маҳорат дарслари олиб борилади.Шу билан бирга, ахборот-ресурс маркази, электрон кутубхона, ишонч телефонлари мунтазам тарзда ишлаб турибди. Бундан ташқари, марказнинг расмий веб-сайти орқали тизимдаги кўплаб маълумотларга, янгиликларга эга бўлиш имконияти яратилган. Шунингдек, назарий ва амалий жараёнларни узвийликда олиб бориш учун марказимизда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг наркология кафедралари жойлашган бўлиб, унда талабалар ва тингловчиларга сабоқ бериб борилмоқда. Беморларни даволаш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқарилган дастур асосида амалга оширилади. Қабулга келган беморлар юқорида айтиб ўтилган бўлимларда даво муолажаларини оладилар. Жумладан, тиббий-ижтимоий соғломлаштириш бўлимида психотерапевт ва руҳшуносларнинг амалий ёрдамлари туфайли беморлар тўлақонли соғломлаштирилмоқда. Чунки, ушбу бўлимда беморлар учун муҳим шароитлар яратилиб, улар ўзларини бир оиладек ҳис этадилар. Мутахассислар беморлар билан гуруҳ ҳолатида, ёки якамма-якка суҳбат олиб борадилар. Спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланадилар. Тасвирий санъат ва маданиятга ошно бўлиб, компьютер машғулотларини олиб борадилар. Марказимизда йиллик режа ишлаб чиқилган бўлиб, мактаб, коллеж, олий ўқув юртлари, ташкилотлар ва аҳоли орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирликлари ва бир қанча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти, унинг шаҳар, вилоят филиаллари, маҳаллалар ҳамкорлигида тадбирлар уюштирилиб, кенг жамоатчилик ўртасида семинар, давра суҳбатлари ва «Биз – гиёҳвандликка қаршимиз» шиори остида оммавий тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда.

Гиёҳвандлик инсон онгини захарлайди, уни сурункали истеъмол қилиш, касалликка мойил бўлиб қолиш, гиёҳванд модда бўлмаганда эса руҳий, жисмоний, маънавий ўзгаришлар, ижтимоий тушкунликка олиб келади. Шуниси ачинарлики, наркотиклар гуруҳига доимий равишда янги моддалар қўшилиб, XIX асрнинг ярмидан бошлаб, наркотик моддаларни истеъмол қилиш кенг тарқалган. Албатта, мазкур касалликнинг ривожланишида ижтимоий (нотўғри тарбия, теварак-атрофнинг таъсири, оиладаги салбий келишмовчиликлар), психологик ҳолатлар (қизиқувчанлик, кайфсафога интилиш, қийинчиликдан қочиш), гиёҳванд моддани талаб қилувчи соматик хасталикларни юзага келтиради. Шундай экан, гиёҳвандликнинг ривожланиши асосан уч босқичда кузатилади.

**Биринчи босқич** – наркотик моддага руҳий мойиллик пайдо булиши, ҳимоя жараёнларининг йўқолиши, гиёҳванд моддаларга чидамлиликнинг ошиши, уларнинг физиологик таъсири сақланган ҳолда мунтазам қабул қилиниши билан ифодаланади.

**Иккинчи босқич** – наркотик моддага жисмоний мойиллик пайдо бўлиши, гиёҳванд моддага енгиб бўлмас даражада берилиб қолиш, унга бўлган чидамлиликнинг юқори даражага етиши, гиёҳванд моддалар таъсирининг ўзгариши (кўпинча қўзғалувчанликка олиб келувчи таъсири), шахс ўзгаришларининг пайдо бўлиши билан кузатилади.

**Учинчи босқич** – бунда гиёҳванд моддаларга чидамлиликнинг пасайиши, улар таъсири фақат «тетиклаштириш» даражасига етиши, шунинг учун беморларда гиёҳванд моддаларсиз «яшай олмаслик» хусусиятларининг пайдо бўлиши кузатилади. Бундан ташқари, хумор синдроми (яъни ломка) оғирлашиб, чўзилиб бориши, руҳий, соматик, оғир ижтимоий оқибатлар келиб чиқиши билан ифодаланади.

**Гиёҳвандликнинг турларидан бири – бу нашавандлик бўлиб,** ушбу гуруҳга нашанинг турли навларидан олинадиган сақичсимон моддалар - марихуана, наша киритилади. Наша таркибидаги ароматик альдегид каннабиол бошланғич таъсир кучига эга бўлиб, у чайнаб, чекиб, ичимлик шаклида қабул қилинади. Наша чекилганда эйфория, борлиқни ранго-ранг қабул қилиш, фикрлашнинг тезлашиши, ҳирсий хусусиятларнинг кучайиши пайдо бўлади. Иллюзиялар (кичик ариқ худди катта дарёга ўхшаб, секин товушлар гумбирлашдек туюлиши), деперсонализациялар (ўз тана аъзоларини инкор этиш) учрайди. Мастликнинг кечки даврларида фикрлашнинг боғланмаганлиги, бачканалик, кулгили ҳолатлар, ташналик, очлик пайдо бўлиши кузатилади. Мастлик, оғир уйқу, ҳолсизлик, лоқайдлик билан тугайди.

Нашага, опий ва героинга секинроқ ўрганилади. Хумор ҳолатлари юмшоқроқ бўлиб, кўз қорачиғининг торайиши, титроқ, терлаш, юрак уришининг тезлашиши, беҳоллик, депрессия, истерия ҳолатлари билан кузатилади. Нашавандликдаги шахснинг ўзгариши руҳий-эмоционал ҳолатлар, маиший бузуқлик ва ақл-идрокнинг камайиши шаклида кузатилади.

**Опий** гуруҳига кирувчи ҳамма табиий гиёҳванд моддалар кўкноридан олинади. Кенг тарқалган опийлардан морфин ва уни кимёвий ишлови натижасида – героин, кодеин, дионин ва бошқалар киради.

Кенг тарқалган гиёҳванд моддалардан бири – бу **героиндир.**

**Героин** кулранг жигаррангсимон катта, кичик порошоксимон шакл кўринишидаги гиёҳванд моддадир.

Героин моддаси ҳидлаш, чекиш ва томир орқали қабул қилиш билан организмга юборилади. Героинни бир маротаба қабул қилган кишида кўтаринки кайфият, роҳатбахшлик, ҳомхаёллар пайдо бўлиши кузатилади. Ташқи таассуротнинг кучи сусаяди. Хумор ҳолатида эса тез-тез эснаш, йўтал пайдо бўлиши, кўз ёшланиб, юрак уриши ва нафас олиш тезлашиши, титрок пайдо бўлиши, бадан увишиши, кўз қорачиғининг кенгайиб кетиши, оёқ-қўл мушакларининг тортиши, ич суриши билан тавсифланади. Шу билан бирга, бемор тажанг, жаҳлдор бўлиб, гиёҳванд моддага чексиз мойиллик сезади. Гиёҳванд моддани истеъмол қилиш оқибатида, гиёҳвандларда умумий қўполлашув ва дунёқарашининг торайиши кузатилади. Ички аъзолар фаолияти ҳам бузилади. Гиёҳванднинг ташқи кўриниши ўзига хос бўлиб, териси ниҳоятда қуриб ва қорайиб ерсимон тусга киради. Юзларида шиш пайдо бўлиб, тана вазни камаяди, кўз қорачиғининг торайиб кетиши, вегетатив бузилишларнинг мавжудлиги кузатилади.

**Кокаин** – Жанубий Америкада ўсадиган кока номли ўсимлик баргидан тайёрланиб, алкалоидлар туркумидаги модда ҳисобланади. Гиёҳвандлар кокаинни истеъмол қилганларида, уларда фикрлаш қобилиятининг кучайиши, сергаплик, ҳаракатчанлик билан ўтадиган эйфория ҳолати кузатилиб, натижада уларда дармонсизлик, жаҳлдорлик, мушаклар бўшашуви ва титроқ ҳолатлари аниқланади. Гиёҳвандларда қўрслик, ўзбилармонлик, майдагаплик, жаҳлдорлик, ўзига қарамаслик ҳолатлари билан кечадиган чуқур шахс ўзгаришлари ривожланади. Шу билан бирга, улар чидаб бўлмас оғриқдан, даҳшатли депрессия ҳолатидан ва гиёҳванд моддага доимо ҳумор қилиб туришидан кўрқишади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш муҳимки, гиёҳвандларнинг 90 фоизи героин истеъмол қилишдан аввал наша чекишни бошлайдилар.

Энг ачинарлиси шундаки, гиёҳвандлик кўчасига кирган ҳар бир шахснинг ҳаёти тубдан ўзгариб, ўқиш ва ишни ташлайди, оиласидан узоқлашади. Яқин дўстларидан воз кечиб, ҳудбин инсонлар билан дўстлашади ва жиноятчи гуруҳларга қўшилиб, ҳар қандай қабиҳ ишларни амалга оширади.

Таъкидлаш муҳимки, 1999 йил мамлакатимизда «Наркотик моддалар ва психотроп воситалар тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ҳозирда давлатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан, наркотик моддаларни тарқатувчи ва сотувчи шаҳслар гуруҳлари аниқланиб, улар қўлга олинмоқда, наркотик ўсимлик плантациялари йўқотилмоқда. Катта миқдорда олиб қўйилган, наркотик моддалар ёндириб юбориляпти. Йилма-йил наркотик моддаларни олиб қўйиш жараёни кучайтирилмоқда. Бу эса ўз навбатида, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва жиноятларнинг камайишида муҳим роль ўйнайди.

БМТ гиёҳвандлик ва жиноятчилик бошқармасининг маълумотига кўра, 200 миллионга яқин 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган инсон гиёҳванд модда истеъмол қилар экан. Бу кўрсаткични камайтиришда ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз ва мазкур иллатни олдини олиш учун тарғибот ишларини кучайтиришимиз зарур.

**Суҳбатдош: Ибодат СОАТОВА.**

**Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128**

*Долзарб мавзу*

# КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА

## назорат ва таҳлил зарур

***1997 йилда чоп этилган давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон 21 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида Коррупция давлат ва жамият хавфсизлиги ҳамда барқарорлигига жиддий хавф-муаммоларни келтириб чиқариши, демократик институтлар ва қадриятларни, ахлоқий қадриятлар ва адолатни йўққа чиқариши ҳамда ривожланиш, шунингдек, қонунийликка жиддий зарар етказишини, яъни бир сўз билан айтганда мустақил давлатимизнинг хавфсизлигига таҳдид солувчи реал факторлардан бири эканлигини ва унга қарши курашиш зарурлигини таъкидлаб ўтган эдилар. Мазкур асар чоп этилганидан сўнг 6 йил ўтгач, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси қабул қилинди ва Конвенциянинг муқаддимасида давлатимиз раҳбарининг бир неча йиллар олдин айтган фикрларига айнан ўхшаш қоидалар белгилаб қўйилди.***





Шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари устувор эканлигини тан олган республикамиз Парламенти 2008 йилда ушбу Конвенцияга қўшилиш тўғрисида Қонун қабул қилди.

Ўзбекистон Бирлашган миллатлар ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилди ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Адлия вазирлиги коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бошқа иштирокчи давлатларга ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган органлар сифатида белгиланди.

**Дарҳақиқат, корупцияга қарши курашишда мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ҳам коррупцияга қарши курашиш масаласига катта эътибор қаратилиб, назорат ва таҳлил ишлари кучайтирилди соҳадаги иқтисодий қонун бузилишлари, камомадлар ва коррупцияга қарши курашиш тадбирлари хусусида вазирликнинг Назорат инспекцияси бошлиғи ўринбосари Равшан Алиходжаевга қуйидаги саволлар билан мурожаат этдик.**

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида мазкур иллатга қарши олиб борилаётган ишлар ҳамда асосий йўналишлар тўғрисида тўхталсангиз?

– Юқоридаги ҳужжатларда белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йилдаги “Тизимда иқтисодий қонун бузилишлари ва коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 333-сонли буйруғи ишлаб чиқилган.



Ушбу буйруқнинг мазмун-моҳияти, соҳадаги иқтисодий қонун бузилишлари, коррупция ва товламачилик каби иллатларга тизимли равишда курашишдан иборатдир.

**Бу борада ижобий натижаларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажаришимиз муҳим:**

*1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида иқтисодий қонун бузилишлари, камомадлар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича йиллик манзилли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.*

*2. Вазирлик тизимида иқтисодий қонун бузилишлари, камомадлар ва коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирликнинг марказий аппаратида вазир Анвар Алимов раҳбарлигида республика ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиқлари бошчилигида худудий махсус комиссиялар таркиби тузилиб, республика ва ҳудудий махсус комиссияларнинг иш тартиби тасдиқланди.*

*3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида иқтисодий қонун бузилишлари, камомадлар ва коррупцияга қарши курашиш учун фуқаролар ҳамда барча муассаса, шунингдек, идоралар ходимларини «эълонлар бурчаги», «ишонч телефонлари»дан фойдаланиш тартиби тасдиқланди.*

**Айни кунда тиббиёт ходимлари орасида содир этилаётган жиноятларга нисбатан қонун доирасида қандай чоралар кўрилмоқда?**

– Республика тиббиёт муассасаларида олиб борилган тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168, 211 ва 214-моддалари бўйича охирги уч йил давомида жиноий жавобгарликлар сони 15 фоизгача камайди. Лекин шунга қарамасдан, даволаш-профилактика муассасаларининг айрим ходимлари томонидан қуйидаги қонун бузилишларига йўл қўйилган. Масалан, Жиноят Кодексининг 135-моддаси (Одам савдоси) билан Фарғона вилояти, Фарғона туман тиббиёт бирлашмаси туғруқхонасининг мансабдор шахслари томонидан содир қилинган жиноий ишлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари томонидан фош этилган ва уларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди. Ёки Жиноят Кодексининг 167-моддаси (Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) билан Андижон вилояти, Қўрғонтепа туман тиббиёт бирлашмаси бош ҳисобчиси қонунга хилоф равишда иш юритганлиги сабабли, тегишли жазосини олди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг168-моддаси (Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш) билан Самарқанд шаҳар, 2-сон оилавий поликлиникасининг 2-сонли филиали мудири, шунингдек, Жиноят Кодексининг 209-моддаси (Мансабдор шахснинг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, хужжатларни қалбакилаштириш, сохта ҳужжатлар тузиши ва тақдим этиши) билан Тошкент вилояти, эндокринология диспансери бош ҳисобчиси, Жиноят Кодексининг 116-моддаси (Касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик, касб юзасидан ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги баданга шикаст етказилиши) билан Фарғона вилояти, Данғара туман юқумли касалликлар бўлими врачи томонидан содир қилинган жиноий ишлар ҳуқуқни мухофаза қилиш ташкилотлари томонидан фош этилган ва уларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди.

Юқоридаги нохуш ҳолатларни қайтарилмаслиги ва профилактика ишларини олиб бориш мақсадида 2014 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Бош Прокуратураси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари иштирокида 5 маротаба, 2015 йилнинг шу кунигача 2 маротаба кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаларида 2014 йил ва 2015 йилнинг 5 ойида 4 маротабадан вилоят ҳуқуқни мухофаза қилиш органлари билан хамкорликда мажлислар бўлиб ўтди. Бундан ташқари, мунтазам равишда раҳбар ва мансабдор шахсларнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлилик аттестацияси олиб борилмоқда. Аттестация натижаларига кўра, эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган ходимлар билан меҳнат шартномалари қонунда белгиланган тартибда бекор қилинмоқда. Улар ўрнига ёш ва иқтидорли ходимлар тайинланмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг электрон веб сайтида (minzdrav.uz) коррупцияга оид жиноятларга йўл қўймаслик, коррупциянинг олдини олиш ишлари туғрисида маълумотлар оммалаштирилмоқда. Веб сайтда эса жисмоний ва юридик шахслар томонидан онлайн кўринишида ва Вазирга мурожаат қилиш хизмати йўлга қўйилган. Мурожаатлар my.gov.uz сайтида “Ягона давлат интерактив хизматлари портали” орқали хам қабул қилинмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг электрон веб сайтида (minzdrav.uz) вакант жойлар туғрисида малумотлар бериб борилмоқда хамда электрон кўринишида резюме йуллаш хизмати йўлга қўйилди. Республика тасаррруфидаги даволаш-профилактика муассасаларида “электрон навбат” раҳбар қабулига ёзилиш ва бошқа интерфаол хизматлар ташкил қилинмоқда

– **Соғлиқни сақлаш тизимига келиб тушаётган мурожаатлар тўғрисида ҳам алоҳида тўхталсангиз?**

– 2014 йил 4 декабрда қабул қилинган “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижроси юзасидан 2015 йилнинг январ-феврал ойларида соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаларида раҳбар ва маъсул ходимлар учун семинарлар бўиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йилнинг 31 мартдаги“ “Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Намунавий Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 1 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 138-сонли буйруғи тасдиқланди. Юқоридаги меъёрий хужжатлар асосида вазирлик ва унинг тизимида мурожаатлар билан ишлаш тизими ташкил қилинмоқда. Шунингдек, мавжуд “ишонч телефонлари” ўрнига соғлиқни сақлаш тизимида республика бўйича ягона “1003 – рақамли ишонч телефони”ни ташкил мўлжалланмоқда.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, коррупцияга қарши курашиш ишида барчамиз масъулликни ҳис қилган ҳолда фаолият юритсакгина, бу иллатнинг олдини олган бўламиз. Шундай экан, хотиржамликка ва бепарволикка йўл қўймаслик, ён-атрофимизда рўй бераётган ҳар қандай ҳодисага жиддий ёндашиб, юз бериши мумкин бўлган оғир жиноятларга барҳам бериши даврнинг асосий талабларидан бирига айланаётганлигини унутмайлик.**

**Суҳбатдош:**
**Ибодат СОАТОВА.**

Севимли газетангизга обуна бўлишни унутмадингизми? Нашр индекси: 128

## *Год внимания и заботы о старшем поколении*

# ОСТРОВ ПОСЛЕДНЕЙ НАДЕЖДЫ

***“Вы случайно не пансионат ищите?”, - приветливо спрашивает меня пожилой мужчина, идущий навстречу. Услышав положительный ответ, он указывает дорогу. За решетчатым металлическим забором – ухоженные аллеи, клумбы с цветами, раскидистые деревья и... люди, сидящие на скамейках. В глубине их глаз, не смотря на внешнюю приветливость и улыбчивость, как и во взгляде повстречавшегося мне мужчины – застывшая грусть оттого, что в силу обстоятельств остались одинокими. Но, теплится в их сердце огонек доброты и надежды, который своим участием в судьбе опекаемых и постоянным уходом за ними стремятся поддерживать как сотрудники единственного в Узбекистане Республиканского пансионата ветеранов войны и труда, так и волонтеры, чья роль в деятельности учреждения неоценима.***



125 человек из разных уголков республики сегодня делят вместе кров, который обрели в пансионате. У каждого из них – своя непростая судьба, проблемы со здоровьем (ведь большинство жителей пансионата перешагнули 70-летний рубеж, кому-то уже за 90).

*– В учреждении находятся одинокие, нуждающиеся в постоянной помощи пожилые и престарелые люди,* – **говорит директор Республиканского пансионата, кандидат медицинских наук Турсунмурод Эшиев.** – *Основная задача, которая перед нами стоит – это обеспечение социальной защиты прав и свобод опекаемых, в том числе снабжение их при необходимости техническими средствами реабилитации. Большим событием стало объявление 2015-го года “Годом внимания и заботы о старшем поколении”. Вся наша деятельность направлена на выполнение этой Государственной программы.*

*Одним из главных направлений в работе является охрана и улучшение здоровья опекаемых нами пожилых людей. Огромную помощь в этом деле оказывают врачи специализированных медицинских учреждений республики – Ташкентской медицинской академии, третьего стоматологического института, Республиканского центра повышения квалификации специализации медицинских сестер и фармацевтических работников и другие государственные и частные медицинские учреждения, а также студенты медицинских колледжей столицы.*

*Так, к примеру, из первой клиники ТМА с пансионатом работают несколько групп специалистов кафедры терапии, хирургии, офтальмологии. В этом году они провели медицинский осмотр всего нашего контингента, определили болезни и дали необходимые рекомендации. Нуждающихся в стационарном лечении мы госпитализируем по ордерам. Кроме того, в этом году одна из частных глазных клиник столицы провела 7 оперативных вмешательств пациентам с диагнозом катаракта бесплатно. На бесплатной основе также при поддержке 3-го стоматологического института 12-ти опекаемым было произведено тотальное эндопротезирование зубов.*

И это, по словам Турсунмурода Эшиева, далеко не полный список добрых дел, которые совершаются для одиноких пожилых людей. Убедиться в этом можно было в день моего посещения пансионата. В рамках договоренности между руководством пансионата ветеранов войны и труда и директором **Республиканского центра повышения квалификации специализации медицинских сестер и фармацевтических работников Лолахон Мусаджановой** практические занятия для медицинского персонала пансионата провели преподаватель по массажу **Замира Алимова и преподаватель по терапии Нодирабегим Мурадова.** В ходе занятий опекаемым проводился массаж, было измерено артериальное давление, пульс, произведено наблюдение за дыханием, даны рекомендации по полному уходу за тяжелыми, лежачими больными.



Как рассказала нам Замира Алимова, с началом нового учебного года Республиканский центр повышения квалификации специализации медицинских сестер и фармацевтических работников планирует оказывать постоянную помощь в уходе за опекаемыми в пансионате, проводить регулярно медицинский осмотр, массаж и лечебную физкультуру.

Поддержать физическое здоровье сложно, когда нет душевного равновесия и спокойствия. Вот почему в пансионате особое внимание уделяется культурному досугу для его жителей. По словам директора пансионата в этом году 37 раз накрывали спонсорские столы, почти 50 раз проводили благотворительные концерты, были также организованы экскурсии по городу Ташкенту и в Бухару, в горы Бостанлыкского района, зону отдыха “Геолог”. Кроме того, в честь празднования 9 мая – Дня памяти и почестей двум ветеранам Второй мировой войны, находящимся в пансионате были выданы единовременные премии в размере 700 тысяч сум и два сотовых телефона отечественного производства.



И все же, каково это жить не в родном доме, а пансионате, какие дороги приводят человека на склоне лет в подобное учреждение? С этими и другими вопросами обратилась к тем, кто провел здесь уже не один год своей старости.

*“Извините за небольшой беспорядок, я искала свои старые вышивки Ришелье, чтобы показать медсестре. Она тоже интересуется этим искусством”.* Смотришь на 95-тилетнюю Валентину Чикову, являющуюся ветераном трудового фронта во время Второй мировой войны и удивляешься ее жизненной энергии и силе духа. Вторую родину она обрела в Узбекистане после замужества. Тяжелая болезнь супруга, а также сложные семейные обстоятельства привели ее в стены пансионата. *“Здесь я уже 18 лет,* - **делится Валентина Федоровна.** – *Уход хороший, люди добрые и отзывчивые. А это, для пожилого человека очень важно, придает большие силы. Сама я медик по образованию, и это помогает мне помимо специализированного врачебного ухода поддерживать свое здоровье”.*

Не меньше оптимизма и веры в свои силы и у 97-летнего ветерана трудового фронта Василия Ковадло. До последнего Василий Петрович работал в Ташкенте наладчиком кожевенного оборудования, был на работе на хорошем счету. В пансионате находится уже 5-й год, после смерти жены. Каждый день стремится наполнить смыслом и найти себе какое-нибудь занятие. В момент, когда я зашла к нему в комнату, – налаживал кран в ванной. О том, что может в столь преклонном возрасте делать что-то своими руками, говорит с гордостью. Велика роль в этом, по его словам, и в хорошем медицинском уходе в пансионате.

Благодаря оказанию квалифицированной медицинской помощи вновь обрела зрение и еще одна участница трудового фронта во время Второй мировой войны 89-летняя Анна Щербакова. В этом году ей провели операцию на оба глаза по удалению катаракты.

Особенно тронула судьба сравнительно молодой 60-летней Манзуры Кадыровой. В ее жизни произошла страшная трагедия – потеряла единственную дочь в результате тяжелой болезни. Волею судьбы оказалась с престарелой матерью, ветераном Второй мировой войны в пансионате, где та впоследствии скончалась.

*“Жаловаться на свою жизнь – большой грех,* - **говорит Манзура Кадырова.** – *Даже, если на твою долю выпадают столь тяжелые испытания. Я потеряла самых близких и дорогих мне людей. Но, сейчас, общаясь с пожилыми женщинами, вижу в них свою маму и стараюсь относиться к ним с любовью и заботой. Относятся к ним также и сотрудники пансионата, и это помогает пожилым людям обрести здесь вновь смысл жизни”.*

**Оксана КАДЫШЕВА.**
**Фото**
**Анвара САМАТХОДЖАЕВА.**

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

***Бухоро вилояти болалар кўптармоқли тиббиёт марказида 2 ёшдан 12 ёшгача бўлган бемор болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.***

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди ва Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир мамлакатимизда аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни ижтимоий-тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишларнинг яна бир ифодаси бўлди.

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмокда.

Тиббий кўрикка Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларидан келган юқори лаб ва қаттиқ танглай, оёғи туғма нуқсонли, бўйин қийшайиши билан боғлиқ ортопедик касалликларга чалинган, шунингдек, куйиш асоратлари бўлган 104 нафар ўғил-қиз жалб қилинди.

Тадбирда танлаб олинган бемор болаларнинг касаллик ҳолатига доир рентген, фотосурат ва бошқа тиббий хулоса ҳужжатлари Германияда соҳа мутахассислари томонидан янада муфассал ўрганилгач, тезкор даволанишга муҳтожлари “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти кўмагида ушбу мамлакатнинг энг нуфузли шифохоналарида тегишли муолажа олади ҳамда реабилитация қилинади.

Ўтган йили амалга оширилган тиббий кўрикда ёнғин оқибатида жиддий жароҳатланган 8 ёшли Азамат Аҳмадов Германияда операция қилинди.

– Набирамнинг дастлабки операциядан кейинги ҳолати анча яхши, ўзгариш катта, – дейди Азаматнинг бобоси Аҳмад Аҳмедов. – Хорижлик мутахассисларнинг таъкидлашича, набирам операциянинг кейинги босқичидан кейин яна ҳам тузалиб кетаркан.

**Эркин ЁДГОРОВ, (ЎзА).**

### Газетхон эътибори ва эътирофи

# МАТБУОТ БИЛАН ҲАМНАФАСЛИК

***Киши қайси касбда фаолият кўрсатмасин, вақтли матбуот нашрларини ўқиб ва кузатиб борса, унда замон билан ҳамнафаслик ва ҳамқадамлик кўзга ташланади. У давлат сиёсатининг устувор йўналишларини чуқур англайди, жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўзининг холис муносабатини билдиради ва тўғри хулоса чиқара олади. Энг муҳими, эгаллаган касбини янада такомиллаштириш жараёнида унга матбуотда ўқиган, эшитган ёки телеэкран орқали узатилган маълумотлар қўл келиши мумкин. Оммавий ахборот воситаларига нисбатан шаклланган бундай илиқ муносабат тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган раҳбар ходимлар, шифокорлар, тадқиқотчилар фаолиятига ўзгача янгилик ва ишчанлик руҳини олиб киради.***

**Ниғмон ХАБИЛОВ,**
**Тошкент давлат стоматология институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор:**

– Институтимиз 200 га яқин профессор-ўқитувчи ва 800 дан ортиқ талаба, тадқиқотчилардан иборат каттагина жамоадир. Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган стоматология институти олий ўқув юртлари орасида ўз нуфузи ва эришаётган муваффақиятлари билан ажралиб туради. Ҳар бир олий таълим муассасаси мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ижросига ҳисса қўшиш, турли соҳалар учун малакали ва сифатли кадр тайёрлаш, давлат миқёсида қўйилаётган устувор вазифаларда ўз ўрнини аниқ белгилаб олишга ҳаракат қилади. Бу жараёндан институтимиз педагоглар жамоаси ҳам четда эмас. Улар ўз илмий-педагогик фаолиятини амалдаги тартиб-қоида бўйича ташкил этар эканлар, бу борада турли ахборот манбаларидан фойдаланадилар, ўқиб-ўрганадилар. Ахборот асри ва глобаллашув даврида аввало, дунё миқёсида рўй бераётган янгилик ва кашфиётлардан бохабарлик, Ўзбекистон илм-фани ҳамда мамлакатимиз ички сиёсатида қўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳақида билиш, эшитиш ёки кузатиб боришнинг аҳамияти жуда каттадир. Институт ректори сифатида ўз кундалик фаолиятимни "Халқ сўзи", "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш- Здравоохранение Узбекистана", "Маърифат" газеталарининг янги сонларини кўздан кечириш билан бошлайман. Марказий нашрларда Президентимиз фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалиётга татбиқ қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинади. Ижтимоий-сиёсий янгиликлардан бохабар бўлиш ва унинг ўз соҳамизга дахлдор жиҳатларини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Кечки пайт уйга қайтгач, "Ўзбекистон" телеканали орқали узатиладиган "Ахборот", ёшлар каналининг "Давр", "Тошкент" каналининг "Пойтахт" информацион дастурларини, шунингдек, оммабоп руҳдаги "Ойдин ҳаёт", "Ўзингни англа" кўрсатувларини томоша қилиб бораман. Қайси кўрсатув бўлишидан қатъи назар, ҳар биридаги ўзига хос ёндашув ва янгиликлар биз шифокорларнинг касбий салоҳиятимизни оширишда қўл келади.

**Бобоқул РАЖАБОВ,**
**Бухоро вилояти сил касалликларига қарши кураш диспансери бош шифокори:**

– Дунёда кечаётган глобал ўзгаришлар шу даражада кўпки, уларни бир вақтнинг ўзида бирваракайига қабул қилишнинг асло имкони йўқ. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шу боис юртдошлраимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак".

Истиқлол йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятига республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим омили, уларни акс эттирувчи, ютуқ-камчиликларини намоён этувчи бир кўзгу, аҳолини дунё саҳни ва мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган янгиланишлар, уларнинг мазмун-моҳиятидан тезкорлик билан бохабар қилувчи восита сифатида қаралмоқда. Бинобарин, оммавий ахборот воситаларини жамиятнинг муҳим тармоғи ёки тўппа-тўғри маънода "тўртинчи ҳокимият" деб аташга тўлиқ асосларимиз бор. Даволаш муассасамизда раҳбардан тортиб оддий ходимгача ахборот асри янгиликлари билан танишиб бориш муҳити юзага келган. Сир эмаски, ижтимоий соҳалардан бири бўлган тиббиёт йўналишида рўй бераётган туб ўзгаришлар - инвестиция дастури доирасида янгиланаётган даволаш муассасалари, "Саломатлик -1,2,3" лойиҳалари бўйича даволаш муассасаларининг жиҳозланиши, аҳоли ўртасида чуқурлаштирилган тиббий кўрикнинг ташкил қилиниши ҳақида барча оммавий ахборот воситалари орқали кузатиб борамиз. Шу кеча-кундузда узатилган янгиликдан хабардор бўлишнинг ўзи ҳар бир шифокорга қайсидир маънода рағбат бағишлаб, унда масъулият ҳиссини кучайтиради. Диспансеримизда жами 286 киши фаолият кўрсатади. Аҳоли ўртасида унча-мунча учраб турадиган ўпканинг обструктив касалликларини замонавий технологиялар асосида аниқлаш, ташхис қўйиш, даволаш ва профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида амалга ошириб бормоқдамиз. Ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлган бу касаллик турини даволаш бўйича қандай янгилик ёки тажриба бўлмасин, биз буни фақат омавий ахборот воситалари - газета-журнал, радио, телевидение орқали хабардор бўламиз. Айниқса, "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана" газетаси бизга иш жараёнида ҳамиша маслаҳатгўй ва кўзгу бўлиб хизмат қилмоқда.

**Каромат САИДОЛИМОВ,**
**Сурхондарё вилояти кўптармоқли тиббий маркази урология бўлими бошлиғи:**

-Иш юзасидан турли йиғинларда, ҳамкасбларим даврасида бўлишимга тўғри келади. Баъзан қайсидир қарор, фармон ёки матбуотда эълон қилинган мақоладан фойдаланиш, асослаш талаб қилинади. Бундан бохабар бўлган шифокор вазиятдан чиқиб кетиши мумкин, агар у бу ҳақда бирор маълумотга эга бўлмаса, изза бўлгани қолади. Чиндан ҳам сўз ва матбуот эркинлигини таъминлайдиган, халқимиз дилидаги орзу-интилишларни ифодалайдиган, муаммолар таҳлилини кўрсатадиган, қисқаси, жамоатчилик фикрини давлат бошқарув идораларига етказишда воситачилик қилаётган газета, журнал, радио, телевидение ва улар сафидан муносиб ўрин эгаллаб олган интернет журналистикаси янгиликларидан бохабар бўлган киши ҳеч нарсани ютқазмайди. Энг сўнгги статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда 1400 га яқин турли йўналишдаги оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришга оид Президентимиз қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлаш, давлат дастурлари бўйича амалга оширилаётган ишларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни жуда катта. "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана" газетасининг доимий муштарийсиман. Унинг саҳифаларида чоп этилаётган мақолалар ранг-баранглиги, долзарблиги ва тавсиявий характерга эгалиги билан биз шифокорларга маъқул келмоқда. Аҳоли ўртасида учраб турувчи турли урологик касалликларни даволашда қўлланилаётган тажрибаларни биз ана шу газета орқали билиб оламиз. Мазкур нашрнинг жорий йил март ойи сонларидан бирида энурез касаллиги ҳақида Тошкент шаҳридаги 2-болалар жарроҳлик клиник шифохонаси шифокори Муҳсинжон Алимовнинг бир саҳиалик мақоласини қизиқиб ўқиб чиқдим. Унда энурез яъни пешоб тута олмаслик касаллиги болаларда қандай кечиши бўйича тўлиқ тушунчага га бўлганим учун таҳририят жамоасидан миннатдорман. Албатта, таҳририят ходимлари муаллифнинг қўлёзмасини синчиклаб кўздан кечиришда, таҳрир қилиш ва саҳифалашда кўплаб қийинчиликларга дуч келиши маълум. Шунинг учун ҳам газета-журналларни доимий равишда ўқиб-ўрганиб борсак, журналистлар меҳнатини қадрлаган бўламиз.

Шифохонамиз кўп тармоқли, бу ерда 22 та бўлим фаолият кўрсатмоқда. Урология бўлимида 20 кишининг стационар шароитда даволаниши учун шарт-шароит яратилган. Касаллик тури ва даволаш усулларига кўра ташкил қилинган бу бўлимларда меҳнат қилаётган ҳамкасбларимиз орасида оммавий ахборот воситаларини мунтазам равишда кузатиб борувчи, босилаётган мақолаларга муносабат билдирувчи ёки телерадио кўрсатув, эшиттиришлари орқали ўз билим савиясини ошириб бораётганлар бор. Аввало, "Халқ сўзи", "Ўзбекистон овози", вазирлигимиз нашри "Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш- Здравоохранение Узбекистана", "Ўзбекистон хирургияси" ҳамда вилоятимизда нашр этиладиган "Тиббиёт ва ҳаёт" газетасини доимий ўқиб келиш жараёнида билим даражамизни такомиллаштириш, янгиликлардан хабардор бўлиш имкониятига эгамиз. Дарҳақиқат, вақтли матбуот нашрларида эълон қилинаётган ахборот омма учун мўлжалланади. Ундан касбий салоҳиятни бойитиш мақсадида фойдаланишнинг аҳамиятини юқоридаги ҳамкасбларимизнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам англаш қийин эмас.

**Зеро, мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатидан, янгилик ва тажрибалардан, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан хабардор бўлишни истаган ҳар бир киши газета-журнал варақлайди, телевизор кўради, радио тинглайди, интернет сайтларига киради.**

**Ҳулкар КУЗМЕТОВА суҳбатлашди.**

### Эҳтиёткорлик ва огоҳлик зарур

# КОРОНОВИРУС ИНСОН ҲАЁТИ УЧУН ХАВФЛИ

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотига кўра, Жанубий Корея Республикасида кенг тарқалиб бораётган MERS короновируси билан зарарланганлар сони 179 нафарни ташкил этган бўлса, ушбу касаллик билан вафот этганлар сони 27 нафарга етган. Бу албатта, бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб, барча жойларда тезкор профиликтика ишлари олиб боришни тақозо этади. Шу жумладан, мамлакатимизда ҳам MERS короновирусига қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан зарурий чора-тадбирлар режаси амалга оширилмоқда. Касалликни келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш бўйича вазирликнинг Санитария-эпидемиология назорати Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Дилором Турсунова билан суҳбатда бўлдик.**

– Ҳақиқатда ҳам айни кунда дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган ушбу короВируснинг Жанубий Кореяда тарқалиши ва у туфайли аҳолининг азият чекаётганлиги, албатта ачинарли ҳолдир. Касаллик тобора кенг тарқалиб, бошқа давлатлар аҳолисига ҳам жиддий хавф солиши кузатилмоқда. Шундай экан, бундай хавфли вазиятнинг олдини олиш мақсадида республикамиз миқёсида барча зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, назорат ишлари кучайтирилди. Айниқса, чегарадош бўлган давлатлар, халқаро ва маҳаллий аэропортлар, шунингдек юртимизнинг барча ҳудудларида эпидемиологик барқарорликни таъминлаш учун керакли шароит ва имкониятлар яратилди, – **дейди Дилором Турсунова.** – Барчамизга маълумки, 2012 йилдан бошлаб Узоқ ва Яқин Шарқ давлатларида (Иордания, Яман, Қатар, Қувайт, Бирлашган Араб Амирлиги, Уммон, Саудия Арабистони, Корея) мингдан ортиқ короновирус касалликларининг янги тури рўйхатга олинмоқда. Аввало, короновируслар келтириб чиқарадиган касалликнинг белгилари: тумов, йўтал, бош оғриши, тана ҳароратининг 38⁰С ва ундан юқорига кўтарилиши, ҳолсизлик, ич кетиши ва бошқалар. Касаллик айниқса организмда бошқа хасталиги мавжуд (қандли диабет, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари, иммунитети заиф) беморларда оғирроқ кечиб, ўлим билан тугаши мумкин. Касаллик асосан беморлардан, туялар ёки уларнинг ажралмалари билан яқин мулоқотда бўлганда (ҳаво орқали), ифлосланган қўллар орқали, хом ёки тўлиқ термик ишлов берилмаган туя гўшти ва сутини истеъмол қилиш оқибатида одамларга юқади.

**Шунинг учун қуйидаги қоидаларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқ:** короновирус келтириб чиқарадиган касалликлар қайд этилган давлатларга боришдан олдин врач эпидемиолог ва инфекционист билан маслаҳатлашиш, туя гўштини, сутини ва сут маҳсулотларини истеъмол қилмаслик, туяларга ҳаддан ташқари яқин бормаслик, юқори нафас йўлларининг ўткир касалликлари мавжуд беморлар билан мулоқатда бўлганда касалликнинг ҳаво – томчи йўли орқали юқишини олдини олиш чораларини кўрилиши (тиббий ниқобдан фойдаланиш), овқатланишдан олдин ва кўчадан келганда қўлларни совунлаб ювилиши талаб этилади. Агар Узоқ ва Яқин Шарқ давлатларидан келган шахслар бўлса, уларда 14 кун ичида белгилар кузатилса, врачни уйга чақириш ва касаллик унда аввалдан пайдо бўлгани тўғрисида врачга хабар бериш, шу билан бирга касалликни бошқаларга юқтирмаслик учун мулоқотни чегаралаш керак, алоҳида идиш – товоқдан фойдаланиш (идиш – товоқлар фойдаланилгандан сўнг совунли, қайноқ сувда ювилиши), беморни парвариш қилаётган қариндошлари тиббий ниқобдан фойдаланиши ва овқатланишдан аввал қўлларини совунлаб ювиши зарурдир.

**Юқиш хавфи кучли бўлган бундай юқумли касалликларга чалинмаслик ўзимизга боғлиқлигини унутмаслигимиз керак.**

**Суҳбатдош**
**Ибодат СОАТОВА.**

# ЗАПРОС НА ВЫРАЖЕНИЕ ЗАИНТЕРЕСОВАННОСТИ

**РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН**
**ОСНАЩЕНИЕ ЛАБОРАТОРНЫМ ОБОРУДОВАНИЕМ ЦЕНТРОВ ГОСУДАРСТВЕННОГО САНИТАРНО-ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОГО НАДЗОРА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**
**СФЕРА ЗДРАВООХРАНЕНИЯ**
**КОНСУЛЬТАЦИОННЫЕ УСЛУГИ**

**Способ финансирования:** *Финансирование по принципам Шариата*
**Финансовый документ №**: Заемное соглашение *(UZB-0073)*

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан получило финансирование от Исламского Банка Развития для покрытия расходов по проекту Оснащение лабораторным оборудованием центров Госсанэпиднадзора Республики Узбекистан и планирует использовать часть средств на консультационные услуги. Срок реализации проекта: 2015-2018гг.

Консультационные услуги включают в себя:

1. Проведение оценки потребностей;
2. Подготовка детальных технических спецификаций лабораторного оборудования, запасных частей и материалов;
3. Определение требуемого обучения;
4. Подготовка тендерных документов;
5. помощь в процессе торгов, управление процессом и обеспечение полного соответствия с процедурами ИБР и применяемыми инструкциями;
6. Подготовка контрактов на поставку;
7. Полная координация и контроль хода инсталяции и пуско-наладки оборудования;
8. Подготовка ежемесячных/ежеквартальных отчетов о ходе выполнения, включая начальный и заключительный отчеты.

Пожалуйста, ссылайтесь на Главное Извещение о Закупках (ГИЗ) для данного проекта, которое было опубликовано на сайте ИБР **(www.isdb.org)** 19 апреля 2015г. или сайте Министерства Здравоохранения Республики Узбекистан **(www.minzdrav.uz)** 25 апреля 2015г..

Министерство здравоохранения Республики Узбекистан настоящим приглашает подходящих консультантов сообщить о своей заинтересованности в предоставлении указанных услуг. Заинтересованные консультанты должны предоставить информацию о том, что они имеют квалификацию для выполнения услуг (брошюры, описание аналогичных заданий, опыт работы в аналогичных условиях, наличие соответствующих навыков у сотрудников и т.д.). Опыт работы в следующих сферах будет минимальным требованием при отборе:

- Опыт в закупке аналитического лабораторного оборудования;
- Координация и контроль процесса тендерных торгов и управление контрактами в соответствии с инструкциями ИБР;
- Координация и контроль процесса инсталляции и пуско-наладки лабораторного оборудования;
- Участие в проекте, финансируемом международным финансовым институтом.

Консультанты могут выражать заинтересованность в форме ассоциаций, подтвержденных путем соглашения между участниками ассоциаций, которое точно отражает тип ассоциации, т.е. совместное предприятие, промежуточная форма ассоциации, или субподряд.

Консультант будет отобран в соответствии с процедурами, изложенными в Руководстве по использованию консультантов при финансировании Исламским банком развития (текущее издание).

Заинтересованные консультанты могут получить дополнительную информацию по указанному ниже адресу в рабочие часы с 09:00 до 18:00.

**Заявление о заинтересованности должно быть доставлено по указанному ниже адресу до 07 августа 2015 года.**

**Министерство здравоохранения Республики Узбекистан**
**Отдел координации инвестиционных проектов**
**100011, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Навои, 12**
**Тел. / Факс: 99871-2394410, электронная почта: idb.ses@gmail.com**

# REQUEST FOR EXPRESSIONS OF INTEREST (CONSULTANT SERVICES)

**REPUBLIC OF UZBEKISTAN**
**THE SUPPORT TO EQUIPPING STATE SANITARY AND EPIDEMIOLOGICAL SUPERVISION CENTERS (SSESCs) WITH LABORATORY EQUIPMENT**
**PROJECT PUBLIC HEALTHCARE SECTOR**
**CONSULTING SERVICES**

**Mode of Financing**: *Mode of Shari'ah Financing*
**Financing №:** *Installment Sale Agreement (UZB-0073)*

The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan has received financing from the Islamic Development Bank toward the cost of the Support to Equipping State Sanitary and Epidemiological Supervision Centers (**SSESCs**) with Laboratory Equipment Project, and intends to apply part of the proceeds for consultant services. The Project implementation period is 2015-2018.

The consultant services include:

1. Conducting needs assessment,
2. Preparation of the detailed technical specifications of laboratory equipment, spare parts and materials;
3. Identification of required training,
4. Preparation of tender documents;
5. Involvement in supervising the bidding; and administration process to ensure full compliance with the IDB procedures and applicable regulations;
6. Preparation of supply contracts;
7. Overall coordination and supervision of installation and commissioning of the equipment;
8. Preparation of monthly/quarterly progress reports including inception and final reports.

Please refer to the General Procurement Notice (GPN) for this project that appeared in IsDB website **(www.isdb.org)** on April 19, 2015 or website of Ministry of Health of Republic of Uzbekistan **(www.minzdrav.uz)** on April 25, 2015.

The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan now invites eligible consultants to indicate their interest in providing the services. Interested consultants must provide specific information, which demonstrate that they are fully qualified to perform the services (brochures, description of similar assignments, experience in similar conditions, availability of appropriate skills among staff, etc.). Experience in the following area or tasks shall be the minimum requirement for the assignment:

- Experience in procurement of analytical laboratory equipment;
- Coordination and supervision of bidding process and contract management according to IDB regulations;
- Coordination and supervision of installation and commissioning of laboratory equipment;
- Participation in project (s) financed by International Financial Institutions;

Consultants may express interests in the forms of association, validated by an agreement among members of the association, which clearly specifies the type of association, i.e. a joint-venture, intermediate forms of association, or sub consultancy.

A consultant will be selected in accordance with the procedures set out in the Guidelines for the Use of Consultants under Islamic Development Bank Financing (current edition).

Interested consultants may obtain further information at the address below during office hours from 09:00 to 18:00 (local time).

**Expressions of interest must be delivered to the address below by August 07, 2015.**

**Ministry of Health of Uzbekistan**
**Department for Coordination of Investment Projects**
**12 Navoi str., 100011, Tashkent, Uzbekistan**
**Tel./fax: 99871-2394410, e-mail: idb.ses@gmail.com**

# ФАРЗАНДЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

*Наманган шаҳридаги 2-оилавий поликлиника ҳудуддаги 43 мингдан зиёд аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.*

Замонавий тарзда жиҳозланган ушбу масканда 112 нафар малакали тиббиёт ходими аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш баробарида оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тиббий маданиятни юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шунингдек, келажагимиз бўлган фарзандларимиз саломатлигига қаратилган эътибор ҳам бундан мустасно эмас.

**Хотам МАМАДАЛИЕВ**
**олган сурат (ЎзА).**



## Обуна – 2015

**Ҳурматли муштарийлар!**

**«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2015 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун обуна мавсуми давом этмоқда.**

**Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!**

**Нашр индекси: 128.**

Ректорат, профсоюзная организация и коллектив Ташкентского института усовершенствования врачей Министерства здравоохранения Республики Узбекистан выражают глубокие соболезнования родным и близким по поводу кончины бывшей заведующей кафедрой «Анестезиологии и реаниматологии» профессора

**ЗАРЗАР Азы Семеновны**

**Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

**Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ**
**Нашр учун масъул**
**Бош муҳаррир ўринбосари**
**Ибодат СОАТОВА**

**Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.**
**Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.**

**Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.**

**Адади 6560 нусха.**
**Буюртма Г-658.**

**Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.**
**Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.**

**Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
**Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.**

**Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.**

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.